

ТОШКЕНТ ШАХРИДА ЎСТИРИЛАДИГАН ТОҒЖУМРУТ ХОМ АШЁСИНИ СТАНДАРТЛАШ

Т.П. Пўлатова, Л.В. Рашитхонов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистан
Республикаси

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон фанлар Академиясининг Ботаника институтини олимлари сурги дори воситаси сифатида ишлатиладиган тоғжумрут ўсимлигини Тошкент шароитида ўстириш технологиясини ишлаб чиқдилар, биз унинг хом ашёсини стандартлашни мақсад қилиб олдик.

Усуллар: Хом ашё тоғжумрут меваси Тошкент шаҳри Ботаника боғида мева пишганда (август-сентябрь ойида) териб олинди ва сояда юпка қилиб ёпиб қуритилди. Бир вақтда ёввойи ўсадиган тоғжумрут меваси Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Чимён қишлоғида тайёрланди ва иккала хом ашё таққослаб ўрганишилари олиб борилди. Текширилаётган хом ашёлар таркибида сифат реакциялар ёрдамида маданийлаштирилган тоғжумрут хом ашёсини антрацен унумларини таркиби ёввойи тоғжумрут хом ашёсини антрацен унумларига ўхшашлиги ва улар франгула пўстлоғи антрацен унумларига яқинлигини кўрсатди.

Антрацен унумларини миқдори ДФ Х нашрида берилган усулда аниқланди. Натижада ёввойи ўсимликдан терилган хом ашёда 2,32%; 1,57%; 2,87%; 1,89%; 2,50% антрацен унумлари борлиги, маданийлаштирилган ўсимликдан терилган хом ашёда 2,35%; 1,25%; 2,20%; 2,0%; 2,40% антрацен унумлари борлиги аниқланди. Олиб борилган ишлар натижасида маданийлаштирилган тоғжумрут мевасида антрацен унумлари миқдори 1% дан кам бўлмаслиги белгиланди. Хом ашёни намлиги 12% дан, умумий кули 5%, 10% хлорид кислотасида эримайдиган кули 0,5% дан, пишмаган мевалар 4% дан ; пишиб ўтиб кетган мевалар 5% дан; органик аралашмалар 2%дан; минерал аралашмалар 0,5%дан ошмаслиги лозимлиги белгиланди.

Хулосалар: Маданийлаштирилган тоғжумрут ўсимлигини хом ашёсини юқори сифатлиги ёввойи ўсадиган тоғжумрут ўсимлиги хом ашёсига ўхшашлиги аниқланди.